

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ВОХИДОВА ДИЛДОРА АЛИКУЛОВНА

ИШЕМИК ИНСУЛЬТ ПРОГНОЗИНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Вохидова Дилдора Аликуловна

Ишемик инсульт прогнозининг

клиник-патогенетик аспектлари..... 3

Вохидова Дилдора Аликуловна

Клинико-патогенетические аспекты

прогнозирования ишемического инсульта..... 23

Vokhidova Dildora Alikulovna

Clinic and pathogenetic aspects

of ischemic stroke 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ВОХИДОВА ДИЛДОРА АЛИКУЛОВНА

ИШЕМИК ИНСУЛЬТ ПРОГНОЗИНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1360 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Дурдона Джурабаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муратов Фахмитдин Хайритдинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Киличев Ибадулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё микёсида бош мия қон томир касалликлари (БКТК) – ўлим ҳолатларининг етакчи сабабларидан бири бўлиб, ушбу касалликлар ўлимга олиб келувчи омиллар орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги пайтда ушбу патологиядан жабр чекувчи одамлар сони ўн миллиондан ортиқ, БКТК нинг энг кенг тарқалган шакли инсульт бўлиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили 15 миллиондан ортиқ одамларга ташхис қўйилади, шундан 5 миллион беморнинг ногиронлигига, ундан ташқари 5 миллион одамнинг ўлимига сабаб бўлади. Инсульт билан касалланиш даражаси ҳар минг нафар аҳоли сонига нисбатан 1.5–7.4 ҳолат микдорида ўзгариб туради. Ушбу касалликнинг ўткир босқичи 35 % етган юқори даражали ногиронлик ва ўлим ҳолатлари билан характерланади, йил давомида эса бу кўрсаткич яна 12 - 15%га ўсади¹. Ўлим ҳолатларининг юқорилигидан ташқари, меҳнат қобилиятининг узоқ муддатли йўқолишига сабаб бўлади. Инсульт ногиронликка олиб келувчи сабаблар орасида етакчи ўринда туриб, касаллик оқибатида – 20% дан камроқ беморларгина ўзларининг аввалги турмуш тарзи ва касбий фаолиятига қайтиш даражасида тикланишга эришадилар. Инсультнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар орасида кўп учраши, ундан кейин ўлим ва ногиронлик курсаткичи юқори бўлиши, катта иқтисодий йўқотишларга олиб келади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида юқори қон босимини назорат қилиш ва чекишни камайтириш ҳисобига инсульт сонининг камайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бироқ ушбу ижобий ўзгаришларга қарамай, умумий инсульт ҳолатлари сони ўсишда давом этмоқда, бу эса умр давомийлигининг ошиши ва аҳоли қариши билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, инсульт хавфини назорат қилиш мумкин бўлган асосий омиллардан бири қон босимининг ошиши ва чекишнинг олдини олиш ҳисобланади. Инсультдан кузатиладиган ҳар тўртинчи ўлим ҳолатини камайтириш учун қон босиминининг ошишини самарали назорат қилиш керак бўлади. 65 ёшдан кичик беморлар орасида инсульт билан боғлиқ ҳар беш ўлим ҳолатининг иккитаси чекиш сабабли юз беради. Шунингдек, мазкур касалликнинг ривожланиш хавфига юрак аритмияси, юрак етишмовчилиги ва олдин бошдан кечирилган миокард инфаркти катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, модификация қилинадиган омиллардан ташқари, генетик мойиллик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гипертония, атеросклероз ва қон ивишининг бузилишига ирсий мойиллик, айниқса бошқа салбий омиллар билан бирга келганда, инсульт хавфини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳоли орасида инсульт касаллигини эрта аниқлаш, тўғри ташхис ва даво муолажаларини олиб боришга қаратилган муайян чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти

¹WHO report <https://www.emro.who.int/health-topics/stroke-cerebrovascular-accident/index.html>

устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² қатор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ишемик инсультга чалинган беморларда касаллик кечиши оғирлик даражасини баҳолаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018-йил 30-августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишемик инсультнинг (ИИ) клиникаси ва патогенезини ўрганиш муаммоси мураккаб тиббий ва ижтимоий муаммодир, айниқса инсультнинг сабаби номаълум бўлиб қолса ва унинг оқибатлари беморларнинг сезиларли даражада ногиронлиги билан боғлиқ бўлса.

Хорижда олимлар ишемик инсультга бағишланган ишларида, 110 000 дан ортиқ беморларни ўрганиб, касаллик кечишида молекуляр генетик полиморфизмнинг аҳамиятини ўрганишган (Андерсон К. Д. 2022). С. Дебеттнинг ва унинг жамоаси (2018) MEGASTROKE лойиҳасида 520 000 бемор маълумотларини таҳлил қилган ва биринчи марта ассоциацияларнинг подтип-спецификлигини кўрсатган: HDAC9 ва ABO - атеротромботик инсульт учун, PITX2 ва ZFNХ3 - кардиоэмболик инсульт учун, геном бўйича клиник стратификацияни ўрганган. Ёш беморларда орасида инсульт тарқалиши сабабини аниқлаш мақсадида, беморларда, артериал гипертония ёки атеросклероз билан боғлиқ бўлмаган ишемик инсултни текширилган. Муаллиф қон ивиш омилларидан V фактор мутациясини (Лейден мутацияси) ИИ сабаби қилиб кўрсатган (Калашникова Л.А. 2015). Гемостаз, яллиғланиш, липид алмашинуви ва РААТ тизимларининг 48 та SNPсини (жумладан, F2, F5, MTHFR, SERPINE1,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

ACE I/D, IL6, IL8, APOE, NOS3, KDR) ўз ичига олган кўп омилли "Россия" генетик хавф шкаласини тузилган ва унинг атеротромботик ва кардиоэмболик инсулт кичик турлари учун прогностик мувофиқлигини ($AUC \approx 0,62$) кўрсатилган (Корчагин В.И. 2017).

Мамлакатимизда ҳам ишемик инсулт ногиронликнинг етакчи сабаби бўлиб қолмоқда. Махаллий олимлар касалликни эрта ташхислаш, унинг ривожланишида молекуляр генетик омилларнинг ахамияти, даволаш ва профилактика чораларини такомиллаштириш буйича кўплаб тадқиқотлар олиб бордилар. Молекуляр генетик ва модификациланадиган омилларнинг касалликнинг кечиши ва унинг оқибатларига кучли таъсир қилиши ўрганилган (Ғафуров Б.Г Мубараков Ш.Р 2017). F2 20210 G>A, F5 Leiden, MTHFR C677T/A1298C, PAI-1 4G/5G ва eNOS T-786C генларнинг полиморфизми касалликнинг тромбофилик вариантларининг оғир кечиши, етакчи ўриндалигини ўрганилган (Халимова Х.М., Якубова М.М. 2009). Ангиогенез омилларининг инсулт оғирлигига таъсирини аниқланган (Муратов Ф.Х., ШермухамедоваФ.К. 2017). Ўрганилган адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики, ИИ ривожланишининг молекуляр генетик жиҳатларини ўрганишга бағишланган жуда кўп ишлар мавжуд, аммо адабиётларда ИИ ни прогноз қилишга бағишланган маълумотлар етарлича ёритилмаган. Юқорида келтирилган маълумотлар ушбу муомманинг долзарблигини ва уни батафсил ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишемик инсултнинг клиник-неврологик, молекуляр-генетик хусусиятларини VEGFA ва HIF-1 α генлари полиморфизмини аниқлаш орқали ўрганиш, ташхислаш ва прогноз қилиш меъзонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишемик инсултга чалинган беморларнинг жинс ва ёшга кўра клиник хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек бирламчи ва такрорий инсултга чалинган беморларни ўзаро солиштириш;

ишемик инсулт подтипларини, турли артериал хавзаларнинг зарарланиш частотасини аниқлаш, бирламчи ва такрорий инсултга чалинган беморларда инсултнинг локализациясини солиштириш;

ишемик инсултда асосий ўзгартирилиши мумкин бўлган хавф омилларининг тарқалишини ҳамда уларнинг касаллик ривожланишига таъсирини баҳолаш;

ишемик инсултда генетик хавф омилларини, VEGFA ва HIF-1 α генларининг полиморфизмларини ва уларнинг касаллик ривожланишига бўлган алоқасини аниқлаш;

ишемик инсултнинг қайталаниш хавфини, унинг омилларини аниқлаш, шунингдек қайталаниш эҳтимолини баҳолаш учун махсус мезонлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2022 йилларда Республика

шошилиш тез тиббий ёрдам илмий марказига ишемик инсульт диагнози билан келган 42 ёшдан 89 ёшгача бўлган 169 нафар бемор киритилган. Ушбу беморлардан 112 нафарини асосий гуруҳни ташкил этган, бу гуруҳга биринчи марта инсультга чалинган беморлар киритилган, 57 нафар бемор эса қайта инсультга чалинган ва назорат гуруҳини ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг клиник маълумотлари (ёш, жинс, массаси индекси, хавф омиллари мавжудлиги), неврологик текширувлар натижалари (NIHSS шкаласи, Рэнкин шкаласининг модификацияланган шакли, Глазго кома шкаласи), молекуляр-генетик текширувлар натижалари (VEGFA ва HIF-1 α генларининг полиморфизмлари), шунингдек, инструментал текширувлар натижалари (магнит-резонанс томографияси) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Анамнез йиғиш, неврологик текширув ва беморлар ҳолатини баҳолаш стандартлаштирилган шкалалар (NIHSS, mRS, ШКГ) орқали амалга оширилди. Ишемик инсультнинг модификацияланадиган хавфли омиллари сифати артериал гипертензия, қандли диабет, гиперлипидемия, чекиш, семизлик ва жисмоний фаолликнинг камлиги таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишемик инсультнинг бирламчи ривожланиши ва қайталанишида VEGFA (rs2010963 ва rs699947) ва HIF-1 α (P582S) генлари бир нуклеотидли полиморфизмларининг аҳамияти исботланган;

ишемик инсульт қайталаниши хавфини баҳолаш учун ишлаб чиқилган клиник, молекуляр-генетик ва хавф омиллар интеграциясига асосланган усулнинг касалликнинг ривожланиш хавфини стратификациялашда, профилактикаси ва даволаш чораларини индивидуаллаштиришдаги аҳамияти исботланган;

иккитадан ортиқ модификацияланувчи ишемик инсульт хавф омилларининг (артериал гипертензия, қандли диабет, гиперлипидемия, тамаки чекиш) мавжудлиги кўшимча равишда, VEGFA 634 G/C генининг C аллели кардиоэмболик, G/C генотипининг атеротромботик, шунингдек, HIF-1 α P582S генининг T аллели ва T/T генотипининг лакунар инсульт билан ўзига хос ўзаро боғлиқлиги, ишемик инсультдан кейинги биринчи йил давомида унинг қайта ривожланиш хавфи сезиларли даражада ошириши аниқланган;

TOAST классификациясига асосланган ишемик инсультнинг подтиплари ривожланишини прогнозлаш мезонининг самарадорлиги, унинг индивидуал хавфни баҳолаш жараёнини соддалаштириши, прогнозлашнинг аниқлигини ошириши ва профилактик ҳамда даволаш тадбирларини индивидуаллаштириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник-неврологик ва молекуляр генетик, маълумотларни таққослаш асосида ишемик инсульт ривожланишининг хавфини баҳолаш учун асосий клиник ва молекуляр-генетик маркёрлар ажратилди. Ушбу маркёрлар модификацияланадиган хавф омилларини (артериал гипертензия, диабет, гиперлипидемия, чекиш) ва VEGFA ва HIF-1 α генларининг полиморфизмларини ўз ичига олади, бу эса инсультнинг ривожланиш хавфини турли беморлар гуруҳлари учун аниқ баҳолашга ёрдам беради;

клиник-неврологик ва лаборатория маълумотлари асосида ишемик

инсультнинг кичик турларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган усули инсультнинг кичик турини тез ва объектив аниқлаш ва этиотроп даволашни эрта бошлашга ёрдам беради;

молекуляр-генетик маркерларни (VEGFA rs2010963, rs699947 и HIF-1 α rs11549465) клиник маълумотлар билан бирлаштирган ҳолда инсультнинг қайталанишини прогноз қилиш усули беморларни касаллик ривожланиш хавфи даражаси бўйича саралашга ва иккиламчи профилактикани индивидуаллаштириш имконини беради ҳамда унинг самарадорлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги объектив клиник, неврологик, инструментал, молекуляр-генетик ва лаборатор диагностик текширувлар натижалари ва уларнинг статистик таҳлили орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти, ишемик инсультнинг ривожланиш механизмларини тушунишга ҳисса қўшиши, аниқ ва ишончли прогнозлаш усулларини асосланиши, таклиф этилган ишемик инсультнинг ва унинг подтипларининг ривожланиш хавфини баҳолаш методикаси юқори ташхис аҳамиятига эга эканлиги ва ишемик инсульт билан касалланган беморларни даволаш тактикасини танлашда аҳамиятлилиги, ва булар асосида инсультдан кейинги даврда беморларнинг даволаш усулларини танлаш ишончли равишда қайта инсульт ривожланиш хавфини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти ишемик инсульт ва унинг подтипларининг хавфини баҳолаш методикасини қўллаш, шунингдек, уларни тадбиқ этиш орқали беморнинг клиник ҳолатини динамикада объектив баҳолаш ва индивидуал даволаш ва профилактика режаларини белгилаш, инсультнинг такрорланишига қарши курашишда самарадорликни оширади ва беморлар учун индивидуаллаштирилган терапевтик чораларни танлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ишемик инсультнинг клиник-неврологик, молекуляр-генетик хусусиятлари, VEGFA ва HIF-1 α генлари полиморфизмини, ўрганиш ҳамда ташхислаш ва прогноз меъзонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: VEGFA (rs2010963 ва rs699947) ва HIF-1 α (P582S) генларининг полиморфизмларининг бирламчи ва қайтарилган ишемик инсультнинг қайталанишида аҳамияти исботланган; тадқиқот натижалари қуйидаги тиббиёт муассасаларининг клиник амалиётига жорий қилинган: Тошкент вилояти ихтисослашган соматик шифохонаси, неврология бўлими илмий кенгашининг 2024 йил 20 декабрдаги №01-115 буйруғи билан тасдиқланган; Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалиёт тиббиёт маркази, кон-томир нейрохирургияси бўлими 2024 йил 13 ноябрдаги №147 буйруғи билан тасдиқланган. Жорий қилиш илмий хулосалар ва амалий тавсияларни ишемик инсультнинг биринчи ва қайтарилган ҳолатларини молекуляр-генетик факторлар асосида баҳолаш: VEGFA (rs2010963 ва rs699947) ва HIF-1 α (P582S) полиморфизмларини таҳлил қилиш ҳамда профилактик тадбирларни оптималлаштиришни ўз ичига олинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: мазкур усул инсультнинг

ташхиси ва прогнозини оптималлаштиришга имкон беради, бу эса самарали профилактика ва оғир ҳолатлар сонини камайтиришга ёрдам беради. Бу ногиронлик даражасини камайтириб, беморларнинг ҳаёт сифати ва даволаш самарадорлигини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: профилактикланган инсулт ҳолатларини даволашдаги йиллик тежамкорлик куйидаги формула бўйича ҳисобланади: $E_{\text{иктисод}} = (D1 - D2) \times (G + Ye) \times N - 0.15 \times K$. Бу ерда: • D1 - усул жорий қилингангача ишлаб чиқариш учун ўртача вақт (10 кун); • D2 - усул жорий қилингандан кейин ишлаб чиқариш учун ўртача вақт (7 кун); • G - бир ишчи кунлик даромади (150000 сўм); • Ye - ишсизликка ижтимоий ёрдам (кунлик 80000 сум); • N - усулдан фойдаланиладиган беморлар сони (40 киши); • K - усулни жорий қилишдан кутилган харажатлар (600000 сум). Шунда: $E_{\text{иктисод}} = (10 - 7) \times (150000 + 80000) \times 40 - 0.15 \times 600000$ $E_{\text{иктисод}} = 3 \times 230000 \times 40 - 90000$ $E_{\text{иктисод}} = 27600000 - 90000 = 27510000$ сўм Хулоса: таклиф қилинган усулни жорий қилиш натижасида 27510000 сум тежалади, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида харажатларни сезиларли даражада камайтиради;

иккинчи илмий янгилик: ишемик инсулт қайталаниши хавфини баҳолаш учун ишлаб чиқилган клиник, молекуляр-генетик ва хулқий омиллар интеграциясига асосланган усулнинг касалликнинг ривожланиш хавфини стратификациялашда, профилактикаси ва даволаш чораларини индивидуаллаштиришдаги аҳамияти исботланган. Қайталанган инсулт хавфини баҳолаш усули Тошкент вилояти ихтисослашган соматик шифохонасининг неврология бўлимида 2024 йил 20 декабрдаги №01-115 буйруғи билан тасдиқланган ва Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалиёт тиббиёт марказининг, қон-томир нейрохирургияси бўлимида 2024 йил 13 ноябрдаги №147 буйруғи жорий қилинди. Жорий қилинган усул клиник маълумотларга, молекуляр-генетик маркерларга ва беморнинг хулқ-атвор хусусиятларига асосланган қайтарилган ишемик инсулт хавфини баҳолаш учун интегрatív модельдан фойдаланишни ўз ичига олади, юқори хавфга эга беморлар учун яқка тартибда профилактик дастурлар яратиш ва тиббиёт ходимлари учун клиник амалиётга жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: усулдан фойдаланиш инсултнинг қайтарилишини камайтиришга имкон беради, бу прогнозни яхшилаш ва беморларнинг ногиронлигини камайтиришга ёрдам беради. Профилактик тадбирлар хавфларни ўз вақтида тўғрилашга ёрдам беради ва фаол ҳаёт даврини узайтиради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: усулдан фойдаланиш қайта инсултларнинг олдини олиш орқали даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Қайта инсултларнинг даволаниши куйидаги формула билан ҳисобланади: $E_{\text{даво}} = N \times (C_{\text{асорат бирламчи}} - C_{\text{асорат қайталанган}})$. Бу ерда: N = 50 - беморлар сони, C асорат бирламчи = 3500000 сум - қайтарилган инсулт даволаш харажатлари, C асорат қайталанган = 2200000 сум - қайтарилган инсулт даволаш харажатлари. Шунда: $E_{\text{даво}} = 50 \times (3500000 - 2200000) = 50 \times 1300000 = 6500000$ сум. Хулоса: таклиф қилинган усулни жорий қилиш натижасида қайталанган инсултни олдини олиш, 6500000 сум иқтисодий тежамкорлик ҳамда тиббий амалиётда юқори

иктисодий самарани кўрсатади.

учинчи илмий янгилик: VEGFA 2578C/A генининг A аллели ва A/A генотиби, VEGFA 634 G/C генининг C аллели кардиоэмболик, G/C генотипининг атеротромботик, шунингдек, HIF-1 α P582S генининг T аллели ва T/T генотипининг лакунар инсульт билан ўзига хос ўзаро боғлиқлиги аниқланган; Тошкент вилояти ихтисослашган соматик шифохонасининг неврология бўлимида 2024 йил 20 декабрдаги №01-115 буйруғи билан тасдиқланган ва Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалиёт тиббиёт марказининг, қон - томир нейрохирургияси бўлимида 2024 йил 13 ноябрдаги №147 буйруғи жорий қилинган. Жорий қилинган усул модификацияланадиган хавф омилларини комплекс назорат қилиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: усул модификацияланадиган хавф омилларини назорат қилиш орқали қайта инсультни олдини олиш ва беморларнинг ногиронлик даражасини камайтиришга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: усул қайта инсультларнинг 30% камайишига имкон беради. 50 та беморда йилига сарф-харажатларни ҳисоблаш қуйидаги формула билан амалга оширилади: $E \text{ иқтисод} = N \text{ олдини-олиш} \times (C \text{ бирламчи} - C \text{ қайталанган})$. Бу ерда: $N \text{ олдини-олиш} = 50 \times 0.3 = 15$ бемор (қайтарилган инсультларни олдини олиш); $C \text{ бирламчи}$ - бирламчи инсульт даволашнинг ўртача харажатлари (4500000 сум); $C \text{ қайталанган}$ - қайтарилган инсульт даволашнинг ўртача харажатлари (3000000 сум). Шунда: $E \text{ иқтисод} = 15 \times (4500000 - 3000000)$. $E \text{ иқтисод} = 15 \times 1500000$. $E \text{ иқтисод} = 22500000$ сўм. Хулоса: мазкур усулни жорий қилиш 22500000 сўм йиллик тежамкорликка эришишни таъминлайди, шунингдек, қайтарилган инсультлар сонини сезиларли даражада камайтиради, прогнозни яхшилайти ва беморларнинг ҳаёт тарзига ижобий таъсир кўрсатади.

тўртинчи илмий янгилик: ишемик инсультнинг кичик турлари TOAST классификацияси бўйича прогноз қилиши учун компьютер дастури ишлаб чиқилган ва жорий қилинган. Дастур Тошкент вилояти ихтисослашган соматик шифохонасининг неврология бўлимида 2024 йил 20 декабрдаги №01-115 буйруғи билан тасдиқланган ва Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалиёт тиббиёт марказининг, қон-томир нейрохирургияси бўлимида 2024 йил 13 ноябрдаги №147 буйруғи амалга оширилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: дастур инсультнинг индивидуал хавфини баҳолаш жараёнини автоматлаштиради, ташхис қўйиш жараёнини тезлатади ва прогнозлашда аниқликни оширади, бу эса профилактик тадбирларнинг эртароқ бошланишига ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: дастурдан фойдаланиш ташхисни қўйиш вақтини қисқартириш ва ортиқча ташхис ишларини камайтиришга имкон беради. 50 та бемор учун йиллик тежамкорлик қуйидаги формула билан ҳисобланади: $E \text{ иқтисод} = N \times (C \text{ анъанавий ташхис} - C \text{ автоматлаштирилган ташхис})$ Бу ерда: $\bullet N = 50$ бемор; $\bullet C \text{ анъанавий ташхис} = 1200000$ сум; $C \text{ автоматлаштирилган ташхис} = 850000$ сўм. Шунда: $E \text{ иқтисод} = 50 \times (1200000 - 850000)$. $E \text{ иқтисод} = 50 \times 350000 = 17500000$ сум. Хулоса: дастурни жорий қилиш 17500000 сўм йиллик тежамкорликка имкон беради, ташхисни оптималлаштириш орқали, шунингдек,

ташхис қўйиш вақтини сезиларли даражада қисқартиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисми ишемик инсульт муаммоси, унинг долзарблиги ва жаҳон тиббиётидаги аҳамияти ҳақида умумий маълумотни ўз ичига олади. Ушбу бобда диссертацион тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, ишнинг мақсади белгилаб берилган: ишемик инсультнинг клиник-нейрологик ва молекуляр-генетик аспектиларини ўрганиш, прогнозлаш стандартларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, тадқиқот вазифалари келтирилган, объект ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технологиявий ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Амалий натижалар ва илмий янгиликлар келтирилган, натижаларнинг ишончлилиги ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти тасдиқланган. Диссертацияни амалиётга жорий этиш, апробация ва чоп этилган илмий ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган, шунингдек, диссертациянинг структураси ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ишемик инсультнинг ташхиси ва даволаш муаммосининг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган бўлиб у ўз ичига кенг адабиётлар таҳлилини олади. Ушбу боб ишемик инсультнинг турли жиҳатларини қамраб олади, жумладан, унинг тарқалишини, подтипларини, хавф омилларини ва мавжуд ташхис ва даволаш усулларини кўрсатади. Бобда эрта ташхис ва прогнозлашнинг аҳамияти, шунингдек, даволашнинг аниқлиги ва вақтида амалга оширилиши учун янги усулларни жорий этиш зарурияти таъкидланади. Ушбу боб кейинги тадқиқотлар ва диссертацияда тақдим этилган прогнозлаш стандартларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.


Диссертациянинг «**Клиник тақиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган текширув усуллари тавсифланиб, беморларнинг умумий маълумотлари келтирилган. Бу бобда клиник, молекуляр-генетик ва инструментал йўналишлар бўйича тадқиқотларни олиб бориш учун қўлланилган методологик ёндашувлар тўлиқ баён қилинган. Шунингдек, беморларни танлаш мезонлари, тадқиқот гуруҳларининг хусусиятлари ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш усуллари ҳақида ҳам

маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи қисмида тадқиқотда қатнашган беморларнинг танлов мезонлари тавсифланади. Тадқиқотга 42 дан 89 ёшгача бўлган, Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий марказига ишемик инсулт ташхиси билан муружаат қилган 169 та бемор киритилган. Бу беморлардан 112 нафари асосий гуруҳга, яъни биринчи маротаба инсултга чалинган беморлар киритилган, 57 нафар бемор эса қайта инсултга чалинган ва назорат гуруҳини ташкил этган.

Биринчи гуруҳ (асосий) – 112 (66,3%) бемордан иборат бўлиб, улар ишемик инсултнинг ўткир фазасида булган, ўртача ёши $66 \pm 10,4$ йилни ташкил этган. Ишемик инсулт ташхиси касалхонага ётқизилгандан кейинги дастлабки 24 соат ичида миянинг мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) орқали тасдиқланган.

Иккинчи гуруҳ (Назорат) – 57 (33,7%) бемордан иборат бўлиб, уларда такрорий ишемик инсулт кузатилган. Ушбу беморларнинг ўртача ёши $67,1 \pm 9,62$ йилни ташкил этган (1-расм).



1-расм. Гуруҳларда беморларнинг ўртача ёши

Ўрганилган омилар орасида ёш, жинс, тана вазни индекси, шунингдек, кўшимча касалликлар ва хавф омиллари, жумладан, гипертензия, қандли диабет, гиперлипидемия, чекиш ва семизлик мавжудлиги таҳлил қилинган. Бу маълумотлар инсултнинг ривожланиш хавфини прогностлашда, шунингдек, касаллик патогенезини тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Текширишлар натижаси инсултга чалинган беморларнинг кўпчилиги 55-74 ёшдаги гуруҳга тўғри келишини кўрсатди, бу эса ушбу ёш гуруҳида касалланиш даражаси юқори эканлигини тасдиқлади. Шунингдек, жинслар орасидаги фарқлар ҳам таҳлил қилинган ва аёлларга қараганда эркаклар ишемик инсулт билан ёшлик даврда кўпроқ касалланиши тасдиқланган.

1-жадвалда ишемик инсулт локализацияси гуруҳлар кесимида келтирилган. Ўрта мия артерияси бирламчи (63,4%) ва такрорий (89,5%) инсултлар учун энг кўп учрайдиган хавза бўлиб, барча ҳолатларнинг ярмидан кўпини (72,2%) ташкил этган. Вертебро-базилляр хавзани ҳам умумий ҳолатларнинг 26% ни ташкил этиб, бирламчи инсултлар учун нисбатан хос локализация бўлган (33,9%). Олдинги мия артерияси эса беморлар орасида кам учраган (1,8%).

Ишемик инсулт локализацияси гуруҳлар кесимида

Номлари	Бирламчи ишемик инсулт	Такрорий ишемик инсулт	Жами
Вертебро-базилярный ҳавза	38(33,9%)	6(10,5%)	44(26%)
Олдинги мия артерияси	3(2,7%)	-	3(1,8%)
Ўрта мия артерияси	71(63,4%)	51(89,5%)	122(72,2%)
Жами:	112(100%)	57(100%)	169(100%)

Молекуляр-генетик тадқиқотлар умумий тавсифи бўлимда молекуляр-генетик таҳлил жараёни батафсил ёритилган. Ишда ишемик инсулт билан боғлиқ икки муҳим геннинг полиморфизмларини ўрганилган - VEGFA (васкулоэндотелиал ўсиш омили) ва HIF-1 α (гипоксик томонидан индуциаланган оми). Бу генлар инсултнинг ривожланишига бўлган аҳамияти ва инсултнинг турли подтиплари билан алоқаси мавжудлиги кўрсатилган.



2-расм. Ишемик инсулт ҳавзасига қараб беморларнинг ўртача ёши

2-расмда ишемик инсулт билан оғриган беморларнинг зарарланган қон томир ҳавзасига қараб ўртача ёш хусусиятлари акс этирилган: вертебробазиляр ҳавза ($64,05 \pm 11,59$ ёш) - орқа қон айланиш тизимидаги инсулт нисбатан ёш беморларда ривожланади; қийматларнинг тарқоқлиги ($СД \approx 11,6$ ёш) ушбу гуруҳда сезиларли ёш ўзгарувчанлигини кўрсатади. Олдинги мия артерияси ($68,67 \pm 10,79$ ёш) - олдинги қон айланиш ҳавзасида инсулт энг кекса беморларда қайд этилган; Ўрта мия артерияси ($67,19 \pm 9,45$ ёш) ҳавзасидаги инсулт оралиқ ҳолатни эгаллайди ва нисбатан ихчамроқ ёш оралиғи тарқоқдиги ($СД \approx 9,5$ ёш) билан тавсифланади.

Тадқиқот учун беморлардан қон намунаси олинган, унда генетик маркёрлар текширилган. Ушбу маркёрлар ишемик инсулт билан боғлиқлигини тасдиқлайдиган мавжуд илмий маълумотларга асосланиб танланган. Шунингдек, намуна олиш ва сақлаш усуллари, лабораторияда генотипларни аниқлаш учун ишлатилган босқичлар тавсифланган.

Молекуляр-генетик тадқиқотларнинг мақсади: VEGFA ва HIF-1 α генларининг полиморфизмларини ўрганиш, уларнинг инсульт ривожланишидаги ролини аниқлаш ва бу генлардан фойдаланиш орқали инсультнинг биринчи ва қайта ривожланиш хавфини прогноз қилиш.

Клиник-неврологик ва инструментал усуллар бўлими инсультнинг ташхиси ва беморлар ҳолатини баҳолаш учун қўлланилган турли клиник ва инструментал усулларга бағишланган. Бу ерда магнит-резонанс томографияси (МРТ) ва компьютер томографиясининг (КТ) шахсий ва ишемик инсультдаги роли, шунингдек, неврологик шкалалардан фойдаланиш тавсифланган.

NIHSS шкаласи: Инсультнинг оғирлигини баҳолаш учун АҚШ Миллий саломатлик институтларининг инсульт шкаласидан (NIHSS) фойдаланилиши ва унинг неврологик дефицитларни, масалан, паралич, нутқ бузилишлари ва бошқа клиник кўрсаткичларни ҳамда ўлчовни қандай аниқлашга ёрдам бериши тушунтирилган.

Рэнкин шкаласи модификацияси инсультдан кейинги ногиронликни баҳолаш учун қўлланилади. Бу шкала беморнинг меҳнат қобилияти ва ижтимоий фаоллигини йўқотиш даражасини классификациялашга имкон беради.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар методикаси. VEGFA ва HIF-1 α генларининг полиморфизмларини анализ қилиш учун молекуляр-генетик тадқиқот методикасини батафсил тавсифлайди. Тадқиқотлар полимераз занжир реакциясидан (ПЦР) фойдаланиб олиб борилди, бу усул беморларнинг генотипларини аниқлашга имконият беради. VEGFA генининг (rs2010963, rs699947) ва HIF-1 α генининг (P582S) турли полиморфизмлари ўрганилди, улар инсультнинг ривожланиши ва унинг подтипларига таъсир кўрсатиши ўрганилди. Бу маркёрлар, уларнинг қон томир касалликлари билан алоқасини кўрсатган олдинги тадқиқотларга асосланиб танланди.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш усуллари. Бобнинг охириги қисми маълумотларни статистик таҳлил қилиш усулларига бағишланган. Ушбу бобда олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланган статистик усуллар, жумладан корреляция ва регрессион таҳлил методлари тавсифланган. Бу усуллар инсултни прогнозлаш учун турли хавф омиллари ва молекуляр маркёрларнинг аҳамиятини аниқлашда фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Беморларнинг клинко-неврологик, инструментал ва молекуляр генетик текширувлари»** деб номланган. Ушбу боб ишемик инсульт билан чалинишган беморларнинг клиник, неврологик ва молекуляр-генетик маълумотларини батафсил таҳлил қилишга бағишланган. Бу бобда беморларнинг текширув натижалари келтириб, клиник, молекуляр ва хулқий омилларни таҳлил қилган ҳолда ишемик инсультнинг ривожланиш хавфини ва унинг подтипларини баҳолаш учун методик кўрсатма ишлаб чиққан.

Бобнинг биринчи қисмида тадқиқотга киритилган 169 та беморнинг клиник текширув натижалари таҳлил қилинган. Шулардан 112 бемор асосий гуруҳни ташкил этади, яъни биринчи маротаба инсультга чалинган беморлар, ва 57 та бемор - қайта инсультга чалинган назорат гуруҳига мансуб. Муҳим аҳамиятга эга бўлган баъзи жиҳатлар қуйидагича:

а) беморларнинг ёши ва жинси: тадқиқот натижалари инсультга чалинган

беморларнинг кўпчилиги 55-74 ёш орасида эканлигини аниқланди. Тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, эркаклар аёлларга нисбатан ёшроқ ёшда инсультга чалинишади. Бу ёш ва жинс хусусиятларини инсультнинг ривожланиш хавфи ва қайталаниш хавфига баҳо беришда эътиборга олишнинг аҳамиятлигини кўрсатади.

б) хавф омиллари: артериал гипертензия, қандли диабет, гиперлипидемия, семизлик ва чекиш каби асосий хавф омиллари кўриб чиқилади. Тадқиқотда икки ёки ундан ортиқ хавф омиллари мавжуд бўлган беморларда биринчи инсультдан кейин биринчи йилда қайта инсульт ривожланиш хавфи кўпроқ эканлигини аниқланди.

в) қўшимча касалликлар: беморларнинг анамнезидаги ишемик юрак касаллиги ва инсультлар ҳолатини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир, чунки бу касалликлар прогнозга ва даволаш тактикасига таъсир кўрсатиши мумкин.

2-жадвал

Инсульт билан касалланган беморларнинг ёш гуруҳларига қараб NIHSS, mRS ва ШКГ шкалалари бўйича ўртача баллар

Ёш гуруҳлари	NIHSS	mRS	ШКГ	Краскала-Уоллиса Мезони
45 ёшдан кичик	9,5±3,32	3,25±3,32	15±0	p<0,05
46-54 ёш	11,73±2,89	3,53±2,89	14,27±1,49	
55-64 ёш	13,76±3,4	3,67±3,4	14,67±1,16	
65-74 ёш	17,29±3,81	3,97±3,81	14,03±1,61	
75-84 ёш	19,07±3,86	4,32±3,86	13,46±1,84	
85 ёш ва ундан катта	17±4,15	3,83±4,15	13,33±1,97	

Ишемик инсульт билан касалланган беморларда ёш гуруҳларига қараб NIHSS, mRS ва ШКГ шкалалари бўйича ўртача баллар ва стандарт оғишлар 2-жадвалда келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар беморлар касалхонага қабул қилинган пайтда баҳоланган. 45 ёшдан кичик беморларда NIHSS шкаласи бўйича ўртача балл 9,5±3,32, mRS бўйича - 3,25±3,32, ва ШКГ бўйича - 15±0. 46-54 ёшдаги беморларда NIHSS бўйича ўртача балл 11,73±2,89, mRS - 3,53±2,89, ва ШКГ - 14,27±1,49. 55-64 ёшли гуруҳда NIHSS шкаласи бўйича ўртача балл 13,76±3,4, mRS - 3,67±3,4, ва ШКГ - 14,67±1,16. 65-74 ёшдаги беморларда NIHSS бўйича ўртача балл 17,29±3,81, mRS - 3,97±3,81, ва ШКГ - 14,03±1,61. 75-84 ёшли гуруҳда NIHSS бўйича ўртача балл 19,07±3,86, mRS - 4,32±3,86, ва ШКГ - 13,46±1,84. 85 ёшдан катта беморларда NIHSS шкаласи бўйича ўртача балл 17±4,15, mRS - 3,83±4,15, ва ШКГ - 13,33±1,97. Ушбу маълумотлар шундан далолат берадики, бемор ёши ошган сари NIHSS ва mRS шкалалари бўйича ўртача баллар ортиб боради, бу эса касалликнинг оғирроқ кечишига ишора қилади. Шу билан бирга, ШКГ шкаласи бўйича баллар ёши катта гуруҳларда пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу ҳам оғир ҳолатни кўрсатади.

**Инсултнинг турли тоифалари орасида хавф омиллари
ва уларнинг тақсимоги**

Хавф омиллари	КЭИ	АТИ	ЛИ	ИДЭ	Р
Беморлар сони	36	32	35	9	
Ёш, йил	71,24 ±1,63	67,07 ±1,6	62,15 ±1,85	56,91 ±3,29	$\chi^2=20,39$; $p=0,001$
Эркаклар: %	44,4%	62,9%	62,5%	66,7%	$\chi^2=3,55$; $p=0,31$
Тана массаси индекси (ТМИ), кг/м ²	28,67 ±0,94	31,14 ±0,88	27,35 ±0,8	26,21 ±0,77	$\chi^2=14,62$; $p=0,002$
Чекиш: %	41,7%	68,6%	46,9%	66,7%	$\chi^2=6,42$; $p=0,09$
Қандли диабет: %	41,7%	51,4%	40,6%	22,2%	$\chi^2=2,7$; $p=0,44$
Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) олдинги инфаркт (ПИКС): %	33,3%	17,1%	12,5%	0,0%	$\chi^2=7,65$; $p=0,05$
Юрак ритми бузилиши: %	57,6%	36,7%	23,5%	22,2%	$\chi^2=30,79$; $p=0,01$
Юрак клапанлари патологияси: %	19,4%	0%	0%	0%	$\chi^2=15,76$; $p=0,001$
Қондаги глюкоза, ммоль/л	8,21 ±1,19	9,15 ±0,75	7,61 ±0,75	6,34 ±0,42	$\chi^2=5,6$; $p=0,133$
Юқори зичликдаги липопротеинлар (ЛПНП), ммоль/л	3,15 ±0,14	3,99 ±0,24	3,88 ±0,23	3,37 ±0,15	$\chi^2=5,63$; $p=0,131$
Фибриноген, г/л	3,97 ±0,2	4,21 ±0,17	4,62 ±0,19	3,6 ±0,21	$\chi^2=11,15$; $p=0,011$
Транзитор ишемик атака (ТИА) анамнезда: %	19,4%	25,7%	12,5%	11,1%	$\chi^2=2,29$; $p=0,51$
Гипертензия: %	63,9%	82,9%	81,3%	55,6%	$\chi^2=5,82$; $p=0,12$
Ёш Эркаклар > 55 ёш Аёллар > 65 ёш	86,1%	85,7%	62,5%	55,6%	$\chi^2=9,26$; $p=0,03$

Ишемик инсулт ва унинг подтипларининг ривожланиш хавфини баҳолаш учун методика ишлаб чиқиш бўлими ишемик инсулт ва унинг подтипларининг ривожланиш хавфини прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган методикага бағишланган. Бу методика клиник, молекуляр-генетик ва хулқ-атвор маълумотларни интеграциялаштиришни ўз ичига олади. Методика бир қатор муҳим қадамларни ўз ичига олади:

а) клиник маълумотлар интеграцияси: инсултнинг ривожланиш хавфига таъсир кўрсатадиган клиник хавф омилларини (ёш, жинс, артериал гипертензия, қандли диабет ва бошқалар) ҳисобга олиш, ва ИИ ривожланишидани ахамиятини аниқлаш. Бу маълумотлар беморлар ҳолатини баҳолаш ва тактикани аниқлашда муҳим ахамиятга эга.

б) молекуляр-генетик маркёрлар: VEGFA ва HIF-1 α генларининг

полиморфизмлари билан боғлиқ маълумотларни киритиш, бу генларнинг инсультнинг ривожланишидаги аҳамиятини ҳисобга олиш. Бу молекуляр-генетик маркёрлар инсультнинг хавфини аниқлашда аниқликни оширади.

в) Модификацияланадиган (хулқ-атвор) омилларни таҳлил қилиш: жисмоний фаоллик, диета, психоэмоционал ҳолат ва алкоголь истеъмоли каби омилларни баҳолаш, бу омиллар инсульт хавфини оширишдаги ўрнини баҳолаш.

Ишемик инсультнинг турли тоифалари орасида хавф омиллари ва уларнинг тақсимооти 3-жадвалда келтирилган. Энг катта ёш гуруҳи КЭИ ва АТИ инсультга чалинган беморлар орасида кузатилган бўлиб, уларнинг ўртача ёши 71,24 ва 67,07 йилни ташкил этган ($p=0,001$). Тана массаси индекси бўйича энг юқори кўрсаткичлар АТИ инсультга чалинган беморларда аниқланган - 31,14 ($p=0,002$). Шунингдек, ушбу тоифадаги беморлар орасида чекиш энг кўп учраган – 68%, энг кам таъсир эса КЭИ инсульт ривожланишига таъсир қилган ($p=0,09$). Бироқ бу ҳолат статистик жиҳатдан ишончли фарқларга эга эмас ($p=0,002$). Жинс бўйича таҳлил шуни кўрсатадики, КЭИ инсульт асосан аёллар орасида кўпроқ учраган (66,8%), бошқа тоифаларда эса эркаклар устунлик қилган ($p=0,31$).

Инсульт подтипини прогнозлаш. Ишлаб чиқилган усул нафақат инсульт ривожланишини, балки унинг подтипни ҳам прогноз қилиш имконини беради. Бу эса даволаш тактикасини аниқлаштириш ва қайталанишларнинг олдини олишга ёрдам беради. Ушбу шкала асосида компьютер дастури ишлаб чиқилган ва унга расмий гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг «**Бирламчи ва такрорий ишемик инсульт ривожланишида VEGFA ва HIF-1 α генларининг бир нуклеотидли полиморфизмининг аҳамияти**» номли тўртинчи бобида молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари акс эттирилган. Генетик маркёрлар, VEGFA ва HIF-1 α генларининг полиморфизмлари инсультнинг ривожланиш хавфини прогноз қилишда муҳим ўрин тутди. Бу полиморфизмлар, жумладан, VEGFA генининг rs2010963 ва rs699947 полиморфизмлари ва HIF-1 α генининг P582S мутацияси инсульт хавфини оширади. Бу маълумотлар инсульт ва унинг подтипининг ривожланишидаги ирсий омилларнинг рольни ёритишга ёрдам беради.


3-расмда VEGFA 634 G/C (rs2010963) бир нуклеотидли полиморфизмининг учта генотипининг қиёсий тақсимооти келтирилган. VEGFA 634 G/C (rs2010963) генотипларининг бирламчи ишемик инсультни ўтказган беморлар ($n=112$) ва уни қайталанган инсультли беморлар ($n=57$) ўртасида тақсимланиши таҳлил қилинганда. Бирламчи инсульт бўлган шахсларда "ёввойи" G/G генотипи устунлик қилди (47,8%), такрорий инсультда эса унинг частотаси 29,8% гача камайди ($\chi^2=3,19$; $p=0,07$), бу қайталанган инсультли беморларда ушбу аллеллар комбинациясининг ҳимоя таъсирининг пасайишини кўрсатади. G/C гетерозигот варианты деярли бир хил даражада қайд этилган (37,0% га нисбатан 44,7%; $p=0,45$), такрорий ҳодиса хавфига мустақил ҳисса қўшмаган. Энг аниқ фарқлар C/C гомозигот ташувчиларига тегишли: такрорий инсультда у биринчи ҳолатда 15,2% га нисбатан 25,5% беморларда учраган; фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли ($\chi^2=9,05$; $p<0,01$). Нисбий хавфни ҳисоблаш шуни кўрсатдики, C/C генотипи эрта такрорий инсульт эҳтимолини тўрт баравардан кўпроқ оширади (OR=4,42; 95% CI 1,57-12,41), Г/Г-вариантининг ҳимоя салоҳияти эса асосан

инсультнинг ягона эпизоди билан чекланган беморларда сақланиб қолади. Шундай қилиб, С аллелининг тўпланиши, айниқса гомозигот ҳолатда, ишемик инсультнинг қайталанишига моил бўлган мустақил молекуляр генетик маркер бўлиб хизмат қилади, G/G генотипининг ташувчанлиги эса такрорий ҳодисанинг камроқ эҳтимоли билан боғлиқ.




3-расм. Бирламчи ва қайталанган ишемик инсульт кесимида VEGF 634 G/C гени генотипларининг тақсимланиши.

